O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

...SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 1-APREL ■ PAYSHANBA ■ 39 (27.214) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.





## ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг Андижон вилоят филиали аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда энг замонавий тажрибаларга таяниб иш кўрмоқда.

350 ўринли бу маскан 2000 йилнинг баҳорида Андижон вилоят касалхонаси негизида ташкил этилганди. Бинолар тўлиқ таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бугун бу ерда энг мураккаб жарроҳлик операциялари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

— Жамоамизнинг халқаро миқёсдаги алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида бир қатор хорижий давлатлардаги тиббий даргоҳлар билан тажриба алмашиб, соҳадаги янгиланишларни ўзимизга татбиқ этаяпмиз, — дейди филиал директори, тиббиёт фанлари доктори Эркин Жумабоев. — Бу эса беморлар хасталикдан тез фориғ бўлишига ёрдам бермоқда. Россиялик ҳамкасбларимиз билан миядаги ўсимтани жарроҳлик йўли билан олиб ташлашни йўлга қўйдик. Шунингдек, ҳамкорларимиз билан биргаликда яна бир неча мураккаб усулларни амалга ошириш борасида ҳам изланаяпмиз.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧



**Суратда:** ҳамширалар (чапдан) М.Деҳқонова, Х.Аюпова; олий тоифали жарроҳ П.Ғуломов иш устида; бемор қабул қилинаётган пайт.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

## «ҲАЙРАТОН» УЧУН ЯНГИ УСКУНАЛАР

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органларига «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пункти учун ускуналар берди.

ЎзА мухбирига Минтақавий ваколатхонадан хабар беришларича, махсус ускуналар Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси учун мўлжалланган. Бу тадбир «Ўзбекистон — Афғонистон чегарасида «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пункти фаолиятини тиклашда Ўзбекистонга кўмаклашиш» икки йиллик лойиҳаси доирасида ўтказилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органларига кириш ва чиқиш пунктларида йўловчилар ва юкларни кўздан кечириш учун рентген ускуналари, узлуксиз ишни таъминлаш учун электр энергияси генераторлари, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича махсус тармоқларни яратиш ҳамда божхона ва чегара назоратини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият учун компьютер ускуналари топширилди. Натижада «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пункти фаолияти анча яхшиланади, бу эса Афғонистонга ва ундан ташқарига юклар оқими суръатига ижобий таъсир кўрсатади.

Умумий қиймати 2 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа Ўзбекистон — Афғонистон чегарасидаги «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пунктида божхона ва чегара назоратини такомиллаштириш, наркотикларга қарши курашда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари салоҳиятини оширишга қаратилган. Лойиҳанинг асосий донорлари — Буюк Британия, Норвегия, АҚШ, Финляндия.

**(ЎзА)**

## «МЕҲР-МУРУВВАТ ШАҲАРЧАСИ»

Ҳойнаҳой, шундай шаҳарча ҳам бор эканми, дея ҳайрон бўлаётгандирсиз. Тўғри, ҳозирча бундай шаҳарча йўқ. аммо, Меҳр ва мурувват йилида Жиззах шаҳрида ана шундай шаҳарча барпо этишга қарор қилинди. Шаҳарчада боқувчисиз қолган етим болалар, ночор оилалар учун уй-жойлар, ногиронлар ўқийдиган мактаб-интернат, замонавий болалар спорт мажмуи, маиший ҳамда маданий хизмат шахобчалари бўлиши кўзда тутилган.

Шу кунларда махсус лойиҳа асосида бунёд этилажак шаҳарча қуришга киришилди. Зарур маблағларни вилоят ва шаҳар бюджети, ҳомийлар кўмаги, халқаро ташкилот ҳамда жамғармалар грантлари эвазига қоплаш режалаштирилди.

Шаҳарчани Мустақилликнинг ўн уч йиллик байрамигача қуриб битказиш мўлжалланмоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚ ХОТИРЖАМЛИГИ ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ!

### БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИБ, ЖИРКАНЧ ВА ЁВУЗ БАЛО-ҚАЗОЛАРНИ ТАГ-ТОМИРИ БИЛАН ҚУРИТАМИЗ, ДЕМОҚДА ХАЛҚИМИЗ ЯКДИЛЛИК БИЛАН

***Эркин КОМИЛОВ,***
***Ўзбекистон халқ артисти:***

### ҲАҚ ХАЛҚ ТОМОНДА

Инсон дунёга нима учун келади? Қисқа умри давомида бу фоний оламдан нима олиб кетади? Фақат яхшилик, эзгулик эмасми?

Ёвузликнинг миллати ҳам, дини ҳам бўлмайди. У қачон ва қаерда бўлмасин, барибир эл-юртнинг қаҳрига учрайди.

Инсон умри давомида нимадир топади, нимадир йўқотади. Лекин ҳеч ким виждонини, иймонини йўқотмасин. Иймонсиз кимсадан ҳар қандай қабиҳликни кутиш мумкин. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ёмонлик ҳеч қачон жазосиз қолмаган.

Ватан ва халқ хоинларининг қора ниятлари, разил қилмишлари ҳаммага аён. Шу боис кечаги воқеалар барчамизни яна бир бора огоҳ ва дадил бўлишга, бирдамлик ва ҳамжиҳатликка даъват этди. Тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлганларнинг қаршисида бутун халқ, миллат турибди. Ҳақ ҳамиша халқ томонида.

Президентимиз Ўзбекистон телевидениесига берган махсус интервьюсида таъкидлаганидек, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

**(ЎзА)**

## ДОИМ ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

**Тошкент (ЎзА мухбири Н.УСМОНОВА).**

Мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятида рўй берган воқеалар муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллалар аҳолиси, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари билан қатор учрашувларни ташкил этди. Уларда одамларнинг ҳушёрлигини ошириш ҳақида сўз юритилди.

«Маҳалла» республика хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарлари иштирокидаги бундай учрашувлар Акмал Икромов, Яккасарой, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Ҳамза туманларида бўлиб ўтди.

Таъкидландики, террорчилик ҳаракатлари бу ёвузликлар ижрочиларига нисбатан бутун халқимизнинг ғазабини қўзғади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида ўз халқига қўл кўтарган, айбсиз фуқаролар ўлимига сабаб бўлганлар фош этилишини айтди. Одамлар эртанги кунга, мамлакат келажагига ишончи мустаҳкамланаётганини ҳис этмоқда.

Ҳозир вазият барчамиздан ҳушёр бўлишни талаб этади. Юзага келган вазиятда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари ва оқсоқоллари турар жой мавзеларида осойишталикни сақлаш чораларига эътиборни қаратиши лозим. Умумий уйимизда бефарқлик ва лоқайдликка йўл қўймаслигимиз керак.

# ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ХУСУСИДА БМТ БОШ КОТИБИ КОФИ АННАННИНГ БАЁНОТИ

БМТ Бош котиби ўтган икки кун мобайнида Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ва Бухоро шаҳри яқинида террорчилик мақсадида содир этилган қатор портлашлар ва бошқа зўравонлик ҳуружлари ўзини ларзага солганлигини изҳор этди. Ана шу портлашлар ва ҳуружлар натижасида йигирмадан зиёд киши ҳалок бўлиб, 50 нафарга яқин киши жароҳатланганини, уларнинг кўпчилиги тинч аҳоли вакиллари эканлиги тўғрисида хабарлар бор.

БМТ Бош котиби бундай жиноий ҳаракатларни ғоят қатъий тарзда қоралайди. Тинч аҳолига қилинадиган ҳужумлар ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган жиноятлардандир.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

2004 йил 29 март куни Тошкент ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида бир қанча одам ҳалок бўлгани, кўпчилик эса жароҳатлангани ҳақида чуқур таассуф билан хабар топдим. Ўз яқинларидан жудо бўлган оилаларга, шунингдек бутун ўзбек халқига Сиз орқали чин юракдан ҳамдардлигимни йўллашни истардим.

Сабаби қандай бўлишидан қатъи назар, бундай террорчилик ҳуружларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ўзбекистондаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадидаги ана шу хатти-ҳаракатларни қатъиян қоралайман. Ўзбекистон НАТОнинг муҳим шериги бўлиб, Афғонистонда, шунингдек Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Самимий эҳтиром ила,

**Яап де Хооп СХЕФФЕР,**
**НАТО Бош котиби**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизда рўй берган ҳамда кўплаб кишиларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланишига олиб келган даҳшатли портлашлар муносабати билан чуқур ҳамдардлигимни изҳор этишни истардим. Мен ана шу террорчилик ҳужумларини қоралайман ҳамда уларнинг ташкилотчилари топилиб, зудлик билан одил судловга топшириладилар, деб ишонаман.

Ҳамкасбларим ҳам менинг таъзияларимга қўшиладилар. Ушбу туйғулар ҳалок бўлганларнинг ва жабрдийдаларнинг оилаларига етказилса, миннатдор бўлур эдим.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Ян КУБИШ,**
**ЕХҲТ Бош котиби**

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ХУСУСИДА ИРЛАНДИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ЕИ КЕНГАШИНИНГ АМАЛДАГИ РАИСИ БРАЙН КОВЕННИНГ БАЁНОТИ

Бугун эрталаб, кеча ҳамда якшанба куни кечқурун пойтахт Тошкентда ва Бухоро вилоятида содир бўлган бир қатор террорчилик ҳуружлари, жумладан бомба портлатишлари ва отишмалар муносабати билан Европа Иттифоқи раислиги номидан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига ғоят чуқур ҳамдардлигимизни изҳор этаман.

Хабар қилинганидек, якшанба ва душанба кунларидаги ҳужумлар 19 кишининг ҳалок бўлишига ва 26 кишининг жароҳатланишига олиб келди.

Ушбу оғир дамларда бизнинг фикри-зикримиз Ўзбекистон халқи ва ана шу мудҳиш ҳаракатларнинг бегуноҳ қурбонлари оилалари билан биргадир.

Мен бундай террорчилик ҳуружларини ғоят қаттиқ қоралайман. Кўп кишилар шундай зўравонликнинг қурбони бўлганлигидан чуқур қайғурмоқдамиз ва жароҳатланганларнинг барчаси соғайиб кетишига ишонамиз.

### ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАР БЎЙИЧА КОМИССАРИ К.ПАТТЕННИНГ МАТБУОТ ВАКИЛЛАРИ УЧУН БЕРГАН БАЁНОТИ

Мен жуда қаттиқ қайғудаман ва бундай ваҳшиёна ҳаракатларни ҳамда уларнинг ортида турган кимсаларни қоралайман.

Таассуфки, Ўзбекистон халқи бундай ҳужумга биринчи марта дучор бўлаётгани йўқ.

Ушбу воқеалар терроризмга қарши халқаро курашда Ўзбекистоннинг фаол ўрнини мустаҳкамлайди холос, менда бунга шак-шубҳа йўқ.

Бутун дунёда террорчилар чинакам демократияни емиришга уринаётган бир пайтда Ўзбекистон шундай демократияни ўрнатиш борасида ўзининг саъй-ҳаракатларини давом эттиравериши ишончим комил.

### АҚШ МАЪМУРИЯТИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ МАЗМУНДА РАСМИЙ БАЁНОТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ:

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралайди. Бу хуруж яна бир бор террорчилар диний, маданий ва жўғрофий чегараларни тан олмаслигини кўрсатади. Америка Қўшма Штатлари хунрезлик натижасида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига ва бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдиради. Бу хуруж бизнинг Ўзбекистон билан ва террорга қарши дунёвий курашдаги бошқа ҳамкорларимиз билан биргаликда террорчиларнинг қаерда яширинганлиги ва қаерда ҳаракат қилаётганлигидан қатъи назар, маҳв этиш йўлидаги қатъиятимизни янада кучайтиради.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Тошкент ва Бухоро вилоятида содир этилган портлашларни эшитиб, чуқур қайғуга тушдим.

Туркия мақсади, сабаби ва манбаи нима бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай террорчилик ҳаракатларини қатъиян қоралайди.

Турк халқи ва ўз номимдан Сизга, дўст ва қардош ўзбек халқига ҳамда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган инсонларнинг яқинларига ҳамдардлик билдириб, жароҳат олганларнинг тезда соғайиб кетишларини тилаб қоламан.

**Аҳмет Неждет СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида кўплаб инсонларнинг талафотига сабаб бўлган террорчилик ҳуружлари тўғрисидаги хабар мени ниҳоятда ғазаблантирди.

Фожиа муносабати билан Сизга, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва бутун Ўзбекистон халқига шахсан ўз номимдан ва Озарбойжон халқи номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этаман.

Биз терроризмни қатъиян қоралаймиз ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни қўллаб-қувватлаймиз.

Бу оғир кунларда биз Сиз билан бирга қайғурмоқдамиз.

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

## УМУМИЙ ХАВФГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА

Мамлакатимизда ўнлаб бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабар турли давлатларда яшаётган миллионлаб кишилар қалбини ларзага келтирди. Содир этилган воқеа ГФРда ҳам чуқур қайғу ва ҳамдардлик туйғуларини уйғотди.

ГФР Бундестаги депутати, «Германия — Ўзбекистон» жамияти президенти Вольф Бауэр, «Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари бутун дунёга терроризмнинг ўта шафқатсиз башарасини ва ўз манфаати йўлида бегуноҳ тинч аҳоли, жумладан, гўдакларни ҳам қурбон қилишга тайёрлигини намойиш этди. Айни пайтда ушбу ҳаракатлар халқаро терроризм ўз фаолиятини кучайтираётганини, ўзининг ваҳшиёна режаларини амалга оширишда нишон сифатида кўп ҳолларда тинч ривожланаётган давлатларни танлаётганини кўрсатаяпти. Ўзбекистон халқи учун оддий бўлмаган ушбу кунларда мазкур ваҳший ҳаракатларда қурбон бўлганларнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдираман», деб ёзади ўз мактубида.

Қуйи Саксония Менежмент академияси президенти Вольфганг Шефер Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари Германияда қаҳр-ғазаб ва нафрат ҳисларини уйғотганини таъкидлаган. «Террорчилар Испанияда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам қўрқув ва тартибсизлик ҳукмини ўрнатмоқчи эди. Бироқ уларнинг ниятлари пучга чиқди. Бу эса халқаро терроризм ва унинг шафқатсиз услублари устидан ғолиб чиқиш мумкинлиги ҳақида гапиришга асос бўла олади. Бироқ ғалабани дунёдаги барча мамлакатларнинг муштарак саъй-ҳаракатлари орқалигина қўлга киритиш мумкин».

«Хайе Интернешнл» компанияси ижроия директори Йоҳан Бёллерт ҳам юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлаб, шундай деди: «Ўзбек халқи яна бир марта ёвуз балога дуч келди. Ва у яна бир марта хавф-хатар олдида ўзининг метин иродаси ва жипслигини намойиш этди».

**Аслам АКБАРОВ,**
«Жаҳон» АА, Берлин.

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

QUVAMEBEL
«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ХАЛҚ ХОТИРЖАМЛИГИ ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ!

## БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИБ, ЖИРКАНЧ ВА ЁВУЗ БАЛО-ҚАЗОЛАРНИ ТАГ-ТОМИРИ БИЛАН ҚУРИТАМИЗ, ДЕМОҚДА ХАЛҚИМИЗ ЯКДИЛЛИК БИЛАН

### Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг БАЁНОТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси мамлакатимизда 28-30 март кунлари содир этилиб, мутлақо бегуноҳ одамларнинг ўлими ва оғир ярадор бўлишига сабаб бўлган террорчилик ҳаракатларини қатъий қоралайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу воқеалар муносабати билан республика телевидениесига берган интервьюсида баён этилган фикрларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Бундай ёвузларча ҳаракатларни тайёрлаган ва амалга оширган кимсалар энг муқаддас конституциявий ҳуқуқлардан бири — инсон ҳаётига тажовуз қилдилар. Бу улар томонидан мустақил Ўзбекистон ва унинг халқига қарши амалга оширилган оғир жиноятдир.

Биз ёвуз ҳаракатлар оқибатида ҳалок бўлган одамларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмганликлари муносабати билан чуқур қайғудамиз ва уларнинг оилаларига ўз ҳамдардлигимизни изҳор этамиз.

Биз олий мақсади жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва унда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг фаровонлиги омили бўлган демократик ва иқтисодий ўзгаришлар йўлидан халқимизни ҳеч қачон қайтариб бўлмаслигига қатъий ишонамиз.

Бугун Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини, кучли, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини бунёд этишга, ҳамма жойда ва ҳамма жабҳада қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилишига ўзгача бирон-бир муқобил йўл йўқ. Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун бу сиёсий йўлни амалга оширишга кўмаклашиш доим муҳим вазифа бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон ХДПнинг барча ташкилотлари ва аъзолари ушбу вазифани ҳал этишда ёвуз кучларга зарба бериш, одамларни бирлаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг табиий негизи ва зарур шарти — тинчлик, барқарорлик, фуқаролик ва умуммиллий тотувликни ҳар қандай тажовуздан сақлаш учун бор кучларини аямайдилар.

**2004 йил 31 март**

**ЎзХДП хабари**

## ИШЧИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Маълумки, Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ жорий йилда партия тузилмаларида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтади. Бутун партия ҳаётидаги ўта муҳим бу тадбир бошланғич партия ташкилотларида бошланиб, ЎзХДПнинг навбатдаги қурултойида якун топади. Ушбу сиёсий мавсумни юксак ғоявий-ташкилий савияда ўтказиш, шунингдек, мамлакатда йилнинг охирида бўлиб ўтадиган ялпи сайловларда муносиб иштирок этиш партиядан ҳар томонлама ҳозирлик кўришни талаб қилади, албатта.

Марказий Кенгаш VII пленуми тайёргарлик ишларининг мақсадли ва режали олиб борилишини таъминлаш мақсадида, тегишли ишчи органларни тузишга қарор қилди. 2004 йилнинг 31 март куни шундай тузилмалардан бири — Марказий Кенгашнинг партия қурултойини чақиришни тайёрлаш ва сайловолди ҳужжатларни ишлаб чиқишга кўмаклашувчи ахборий-таҳлилий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишни олиб борган Марказий Кенгаш биринчи котиби Аслиддин Рустамов Ишчи комиссияси олдида турган вазифалар, тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли қилиб, халқчиллик руҳида тайёрлаш, бу ишга МК Экспертлар гуруҳи аъзолари, турли соҳалар мутахассислари, партия фаолларини жалб этиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Ишчи комиссияси раиси МК котиби Михаил Ельшов ишлаб чиқиладиган партия ҳужжатлари лойиҳаларининг асосий йўналишларига тўхталиб ўтди.

Мажлис иштирокчилари мамлакатимизда шу кунларда содир этилган террорчилик амалларини якдиллик билан қоралаб, Ўзбекистон раҳбариятининг ёвуз кучларга қарши йўлини, унинг юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини маъқулладилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ҚУЁШГА ҚУЮН ЕТМАЙДИ

Ватан кўксига отилган ўқ юртдошларимизнинг ҳаловатини ўғирлади. Кеча тунда титраган телефон қўнғироғидан уйғониб кетдим. Кекса онам ташвиш билан аҳвол сўрадилар. Нохуш хабар ота-оналаримизни, фарзандларимизни осойишта ўтаётган кунлар, ой нурига чўмилган тунлар, оппоқ тонгларимизнинг тинчлигига раҳна солди. «Болам ўшалар ўзимизнинг одамларми ёки бошқа ёқдан келганми?», деб сўради онам.

Ҳаммамизни шу савол қийнайди. Тиғ сингари юракка қадалиб азоблайди. Террорчилар ким, наҳотки ўзимизнинг юртдошларимиз ўзимизга шу ҳунрезликни раво кўраётган бўлса?.. Уларнинг тизгини кимнинг қўлида? Нега улар юртдаги барқарорликни кўролмайдилар?

Эл ўғлонларининг кўксида бир олов ёнмоқда — «биз озодлигимизни ҳеч қачон, ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз. Миллат шаъни, мамлакат мустақиллиги йўлида жонимизни ҳам аямай курашамиз». Ҳурлик душманлари ўз қилмишларига яраша жазо олмоқлари, эл лаънатига дучор бўлишлари тайин.

Ҳазрат Навоий айтадилар:

**Аёнким, ватан узра**
**то жони бор,**
**Киши ҳарб этар**
**токи имкони бор.**

Танимизда жонимиз бор экан юрт тинчлиги йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳарб этмоғимиз зарур. Юрт — муқаддас иймонимиз. У инсоний камолотимизнинг пойдевори.

Буюклар қалбида бузилмас бир қоя бор. Бу Ватан номли ҳеч кимнинг қўли етмас баландликдир. Улуғлар уй-хаёлида бир сўз боқийдир, бу — Ватан сўзи бўлиб у ҳеч қачон дилдан кўчмагай, тилдан ўчмагай. Қайси бир калтабин, юртфурушнинг отган ўқи, портлатган бомбаси Ватан деб аталмиш муқаддас мавога етмагай. Бомба портлашларидан кўтарилган қуюн қуёш юзини беркита олмайди.

Мана шу ўйлар уйимни ёритиб юборди. Эрталаб ишхонага шошилдим. Бир сўз тилимда тирилди.

Азиз замондошим бедор бўлайлик, ҳушёрликни қўлдан бермайлик. Доно халқимиз айтадики, **«Бир нодон қудуққа тош ташлайди. Ўнта доно эса уни олишга қийналади»** деб. Ватанни асрайлик, юртни асрайлик. Ўшанда онамизни, боламизни асраган бўламиз.

Ватан кўксидаги кичик жароҳат барчани огоҳликка чақириши керак. Фарзандларимиз террорчилар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолмаслиги учун оиламиз мустаҳкам қўрғон, маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳарларимиз тинчлигини сақлашга қалқон бўлмоғимиз зарур.

Ватандан ташқарида бахт йўқ. Унинг қисмати барчамиз билан уйғун. Унга соя солган қайғу залворли елкаларимизни эзади. Юракни азоб ўтида қовуради. Юрт барқарорлиги учун ҳамиша огоҳ бўлиш зарурлигини эслатади.

Улуғлардан бири айтган экан: **«Баркамол ва соғлом қалбда — Ватан тақдири мумтоз ўринни ишғол этади, ҳар қандай олижаноб шахс Ватан билан қон-қардошлигини, у билан ўзи орасидаги муқаддас боғланишни теран англайди»...**

**Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

## «ИТ ҲУРАДИ, КАРВОН ЎТАДИ»

28-29 март кунлари Тошкент ва Бухорода содир этилган мудҳиш воқеаларни эшитиб, шундай ғазабландимки, буни тушунтириб беролмайман. Бегуноҳ одамлар қонини тўккан тубан кимсалар албатта, халқ нафратига ва зарбасига дучор бўлиши тайин. Кеча туманимиз қишлоқларида юриб, турли йиғилишларда қатнашишимга тўғри келди. Ҳамма жойда одамларнинг юз-кўзидан террорчиларга нисбатан нафрат, тилларидан лаънат ёғилаётганини кўрдим.

Тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлган нокаслар, Ватанга хиёнат қилган ҳеч қачон қабиҳ ниятларига эришолмайди.

Ҳозир террорчилик ҳаракатлари ҳақида фалон жойда ундай бўлганмиш-бундай бўлганмиш каби уйдирма ва миш-мишлар тарқатилмоқда. Одамларни чалғитишга, ваҳима қўзғатишга қаратилган бу ғаламисликларни кимлар тарқатаётганини ҳам яхши биламиз.

Ит ҳуради, карвон ўтади, дейдилар. Маккор кимсалар қанча уринмасинлар, бизни истиқлол йўлидан қайтара олмайдилар.

**Анвар ЁҚУБОВ,**
**Бешариқ тумани маданият ишлари бўлими мудири**

## «АВРОРА»НИНГ ОВОЗИ ЎЧСИН

Террорчилик ҳамиша ўзидан мудҳиш асорат қолдирган: уйлар вайронага айланган, корхоналар, идораларда иш мароми бузилган ёки умуман тўхтаб қолган. Энг даҳшатлиси шундаки, террорчилик хатти-ҳаракати содир этилганда қон тўкилади. Қурбоннинг ким бўлиши террорчини қизиқтирмайди: мункиллаган чолми, ҳали она сути оғзидан кетмаган норасидами, тинчгина тирикчилигини қилиб юрган мўмин-қобил кимсами — унга фарқи йўқ. Қон тўкилса, одамлар юрагига қўрқув, ваҳима илондек ўрмалаб кирса бас!

Қон қанча кўп тўкилса, террорчиларга шунча яхши. Ёвуз ниятларини улар одатда одам кўп тўпланадиган, дейлик, бозорлар, йирик томошагоҳлар, автобекатларда амалга оширишга уринадилар. Террорчиларнинг минг-минглаб мутахассислар, ишчи-ходимлар хизмат қиладиган Нью-Йоркдаги Халқаро Савдо Марказини, Токио метросини, Москвадаги «Норд-Ост» киноконцерт залини ва ниҳоят, яқиндагина Мадрид йўналишидаги йўловчи ташувчи поездни «нишон»га олганлари бежиз эмас.

Инсоф-диёнати бор ҳар бир инсон террорчилардан ҳазар қилади, уларни қоралайди. «Аср вабоси» деганда биз кўпроқ гиёҳвандликни тушунадиган бўлиб қолдик. Аслида бу иснодни террорчиликка нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Аниқроғи, гиёҳвандлик ҳам, террорчилик ҳам разолатнинг эгиз зурриёдларидир. Ҳар иккиси ҳам балои офат, тинчлик, тараққиёт душманидир.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари инсониятни ана шу хавфдан огоҳ этиб бонг урмоқда. Радио, телевидение, газеталарда бу мудҳиш иллатнинг туб моҳияти, унинг ҳайбаракаллачилари-ю молиявий ҳомийлари рўй-рост, айтиш мумкинки, мардона фош этилмоқда. Баъзан бундай аччиқ, лекин тўғри, холис мақола, чиқишлар ҳамкасбларимизга жуда қимматга тушаётгани сир эмас. Вашингтон яқинидаги Фридом Хаус ҳовлисида қонли тўқнашувлар, урушлар, зўравонлик, суиқасд қурбони бўлган минглаб журналистларнинг исм-шарифлари ёзилган ёдгорлик бор. Қурбонлар орасида террорчилар қўлида ҳалок бўлганлар ҳам бир талай.

Ўша қурбонлар ҳаққи-ҳурмати, ҳар бир журналист қўлга қалам олганда, аввало яхшиликни ўйлаши, воқеа-ҳодисаларга тўғри ва холис ёндашиши керак. Афсуски, мухбирликнинг ана шу муқаддас тамойилларини айрим ҳамкасбларимиз унутиб қўймоқдалар. Уларнинг ёзган мақолалари, эшиттириш ва кўрсатувларида воқеа-ҳодисаларни ўзлари истаган томонга буриб талқин этиш, бўрттириш, шов-шув кўтариш, айрим шахсларгагина эмас, бутун бир халқ, миллат шаънига тош отишга мойиллик сезилади.

28-29 март кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида рўй берган террорчилик ҳаракатлари хусусида расмий ахборот эълон қилинди. Унда террорчилик хатти-ҳаракати туфайли ҳалок бўлган, тан жароҳати олганларнинг сони аниқ кўрсатилган. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсида, бу ҳуруж мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришилган ютуқларимизни кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилганини алоҳида таъкидлаб, уни «ёвуз хатти-ҳаракат» деб баҳолади. Воқеа гувоҳларининг, жамоатчиликнинг фикри ҳам шундай. Лекин...

Яқинлари, туғишганларидан ранжиса, ўзбеклар, «Ўзингдан чиққан балога...», дейишади. Фарғона.РУ ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра (2004 йил 30 март), ТТЗ ва Дўрмон атрофларида содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар «ҳукуматга қарши норозилик эмиш». Чунки, ёзади мухбир, ТТЗнинг шундоқ ёнгинасида «вазирликнинг далабоғлари жойлашган». Ана, сизга мантиқ! Хўш, шундай экан, Чорсу бозорида, Кўкалдош мадрасаси атрофида, Қушбеги даҳасида ва, ниҳоят, олис Бухоро вилоятининг Ромитон туманида бўлиб ўтган портлашлар, отишмалар нима?

Ушбу ахборот агентлиги ўз хабарига «рўйхатга олинмаган мухолифатдаги оқимлар билан ҳамфикр бўлмаган» Сўна (Овод) тахаллусли хонимнинг хатини илова қилган. Хат аввалида хоним ўзини демократия тарафдоридек кўрсатмоқчи бўлади, бегуноҳ ҳалок бўлганларга ачинади. Кейин муддаога ўтиб, конституциявий давлатни «ғайриинсоний режим»га чиқариб қўяди. Террорчиларнинг хатти-ҳаракатлари хонимга «Қўлга тушмас қасоскорлар»ни эслатган эмиш! «Қўлга тушмас қасоскорлар»нинг бугун бўлмаса, эртага қўлга тушишлари муқаррар! Лекин унгача бу ёвуз ниятли кишилар яна қанча бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритишлари мумкинлигини хоним ўйлаб кўрдилармикин?!

Сергей Ежковни (агар у биз билган Ежков бўлса!) қизиқарли мақолалар муаллифи сифатида ҳурмат қиламиз. Унинг Фарғона. РУ билан ҳамкорлик қилаётгани биз учун янгилик. Майли, кимнинг ким билан ҳамкорлик қилиши ўз ихтиёрида. Лекин С.Ежковнинг ушбу ахборот агентлиги эълон қилган мақоласи, юмшоқроқ қилиб айтганда, бизни ажаблантирди. Мақола анчайин беозор кўринса-да, ундаги оҳанг кишини сескантиради. 30 март куни каллаи саҳарлаб (соат 7.00да) Сергей Ежков Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги чегара пунктига йўл олибди. «Чегара пунктида ур-йиқит, тўполон, чиқиш-кириш режимининг кучайтирилганидан аҳоли норози» эмиш. Нотинчлик рўй берса, айниқса, қон тўкилса, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун ҳар бир ҳукуматнинг қонун доирасида мавжуд имкониятлар, воситалардан фойдаланиши табиий бир ҳол-ку!

«Кеча, — деб ёзади С.Ежков, — ҳамкасбларимдан бири Тошкентдаги портлашларга қулоқ сола туриб, афсус-надомат билан:

— Бу «Аврора» залпини эслатади! — деди».

Афсус-надомат билан айтган бўлса, Ежковнинг ҳамкасби ҳақ! «Аврора»нинг залпи ўзбек халқига, қолаверса, Россия халқларига ҳам ҳеч қандай рўшнолик келтиргани йўқ. Келтириши мумкин ҳам эмасди. Чунки ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг инқилобчилик йўлини тарих аллақачон рад этган. Зўравонликка асосланган тузум омонатдир. Зўравонлик, террорчиликка хайрихоҳлик, ҳаттоки унга лоқайд муносабатда бўлиш яхшиликка олиб келмайди.

**Баҳодир НАВРЎЗОВ**

**Бу ҳақда ЎзХДП МК пленумида айтилган эди**

## АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Буюк француз файласуфи Шарль Фурье «Цивилизациянинг ривожланиши аёлларнинг жамиятда тутган ўрни билан аниқланади», деган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни тобора ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Биргина Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг 32 фоизини, яъни 185 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этиши бу борадаги тасаввурларимизни мустаҳкамлайди. Улар орасида иқтисодиёт, фан, маданият, тиббиёт, халқ таълими тизимларида ҳормай-толмай меҳнат қилаётганлар, партия сайланма органлари аъзолари, котиблар, ХДПдан сайланган депутатлар талай.

Бироқ, мамлакатимизда ислоҳотлар чуқурлашаётган, демократлашув жараёнлари кенг қулоч ёзаётган шароитда хотин-қизларнинг салоҳиятини тўлароқ ишга солиш, уларнинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш талаб қилинади. Ўзбекистон ХДП ўзининг бу борадаги ишларини янада жонлантириш мақсадида партия сафидаги хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг халқ орасига, маҳалла, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар орасига чуқурроқ кириб боришига алоҳида эътибор қаратмоқда. ХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми ушбу масалага алоҳида тўхталиб, уни партия олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаган эди.

Бир гуруҳ партиядош хотин-қизлар бу борада дастлабки ишларни бошлаб юбордилар. Марказий Кенгаш ҳузурида аёллар шўъбаси тузилди. ХДП аъзолари бўлган Олий Мажлис депутатлари, партия ходимлари, ташкилот ва корхона раҳбарлари, маҳалла фаоллари, зиёлилар, ижодкор хотин-қизлар шўъбага аъзо бўлиб кирдилар ҳамда унинг таъсис йиғилишида иштирок этдилар.

— Партия сафига қабул қилинаётган янги аъзолар орасида аёллар улуши кўпаймоқда. Қатор вилоят, туман ва шаҳар кенгашларимиз ҳузурида хотин-қизлар клублари самарали ишлаб турипти. Бундай мисоллар бисёр. Аммо, шундай бўлса-да, — деди ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов йиғилишда сўзга чиқиб, — аҳолининг ушбу кўп сонли қатламлари орасида олиб борилаётган ишларни шу замон талабларига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Бу соҳадаги фаолиятга жўшқинлик бахш этиш лозим. Ишонаманки, Марказий Кенгаш қошида янги тузилган бу шўъба вазифани ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшади.

Йиғилишда иштирок этган аёллар шўъбанинг мақсади, келажакдаги фаолияти юзасидан ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

— Биз жамиятдаги катта-катта вазифалар ҳақида бош қотиришдан олдин ҳар бир оилага эътибор беришимиз керак. Чунки, пайдо бўладиган муаммо, бу биринчи навбатда аёллар, уларнинг оиладаги мавқеи орқали юзага келади. Биз ана шуни ҳисобга олган ҳолда, бу йўналишдаги бошқа ташкилотлардан фарқли фаолият юритишимиз лозим, — дейди Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзоси Гулнора Йўлдошева. Шунингдек, Олий Мажлис депутатлари Ойниса Мусурмонова, Машкура Сафоева, Бўритош Шодиева ҳамда Марказий Кенгаш масъул ходими Дилором Алиева, ХДП Сергели туман кенгаши биринчи котиби Лола Исматова ушбу ташаббусни хурсандчилик билан маъқуллаб, аёллар тузилмаси ишига биринчи навбатда ҳалол, пок, ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган хотин-қизларни жалб этиш, айниқса, ёш қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шўъба аъзолари ичидан лидер аёлларни тайёрлаш масалаларига жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

— Биз, аёллар жамият сиёсий ҳаётида катта кучмиз, — деди шўъбанинг таъсис йиғилишида «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Саида Ғаниева. – Янги тузилган шўъба сайловолди кампанияларида партиямиздан кўрсатилган номзодлар учун ташвиқотчи-тарғиботчилик қилишдек масъулиятли вазифани ҳал этишга ҳисса қўшиши керак.

Таъсис йиғилишида ўн бир нафар энг фаол аёллардан иборат жамоатчилик кенгаши сайланди ва унга етакчи этиб Олий Мажлис депутати Гулнора Йўлдошева сайланди. Партия МК биринчи котиби тадбир якунида шу каби тузилмалар ХДП маҳаллий кенгашларида ҳам ташкил этилажагини билдирди.

Марказий Кенгаш ҳузурида тузилган аёллар шўъбаси партия ҳаёти ва фаолиятида, партиянинг дастурий ҳужжатларида кўтарилган аёллар муаммоларини ҳал этишда хотин-қизларнинг саъй-ҳаракатларини йўналтириш, партия аъзоси бўлган хотин-қизлар орасидан депутатликка муносиб номзодларни танлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқа кўпгина долзарб вазифаларни бажаришда ўз ўрни, ўз овозига эга бўлади, деб ўйлаймиз. Бизга унинг келажаги ёрқин бўлиб кўринди. Чунки, ушбу мажлисда иштирок этган, бугунги кунгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини кўрсатиб келаётган юксак салоҳиятли аёлларимиз юзидаги шижоат ва масъулият ҳисси ана шундан далолат бериб турарди.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЁШЛАР МАРКАЗИ

Маълумки Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ўтган VII пленумида ёшлар билан ишлаш партия фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган эди. Эндиликда пленумнинг ушбу кўрсатмасини бажариш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Яқинда партия МКда бўлиб ўтган ХДПга аъзо ва партиясиз ёшлар вакилларининг йиғилиши партия марказий штаби қошида ёшлар бўлинмасини ташкил этиш масаласига бағишланди. Тадбир Марказий Кенгашнинг ёшлар масалалари бўйича референти Миржалил Мирза-Аҳмедов, иқтидорли режиссёр Улуғбек Йўлдошев ва бошқа бир гуруҳ фаол ёшлар томонидан ташкил қилиниб, унда олий ўқув юртлари талабалари, турли ташкилот, муассасаларнинг ёш ходимлари, ижодкор йигит-қизлар иштирок этдилар. Очиқ ва самимий мулоқот тарзида ўтган учрашувда ХДП Марказий Кенгаши ҳузурида ёшлар тузилмасини ташкил қилиш, унинг мақсад ва вазифаларини келишиб олиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда қатнашган ёшлар ушбу ташаббусни мамнуният билан қарши олиб, уни қўллаб-қувватладилар ва ёшлар тузилмаси фаолияти юзасидан ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўктам Холов, ЎзМУ талабаси:

— Мен ташкил этилаётган мазкур ёшлар тузилмасини мутлақо янги, шу йўналишдаги ташкилотлардан фарқли ўлароқ, ёшлардаги янги-янги жиҳатларни қамраб олишини истардим. Ана шунда у кутилган келажакка эга бўла олар эди.

Гулойим Алланиёзова, Юнусобод туманидаги 220-мактаб ўқитувчиси:

— Бу тузилманинг ишида истеъдодли ёшларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки, ўзининг истеъдодини намоён қилиш имконини қидириб юрган, бирор туртки ёки мададга муҳтож бўлган тенгдошларимиз талайгина. Биз уларга турли йўналишда кўмак берсак, фойдадан холи бўлмайди, албатта.

Наргиза Ортиқбоева, ЎзХДП Сергели туман кенгаши ходими:

— Ёшлар ташкилотининг низоми ва дастури, биринчи навбатда, ёшлар ўртасидаги жараёнлар, муаммоларни ўрганиб, уларнинг фикрларига таянган ҳолда тузилиши лозим. Шу билан бирга, ёшларнинг сиёсий тафаккурини шакллантиришга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқ талаб қилинади. Ана шундагина бу доимий ҳаракатдаги, ёшларга амалий жиҳатдан қанот бўла оладиган ташкилотга айланиши мумкин.

ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов тадбирда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор, партия фаолиятида ёшларнинг ўрни тўғрисида гапириб, Марказий Кенгаш янгидан тузилаётган ёшлар тузилмасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини таъкидлади ва йигит-қизларни Ватан равнақи йўлида фаол саъй-ҳаракатлар қилишга чорлади.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

### Нукусда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги VII пленуми бўлиб ўтди

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюросининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик фракциясининг 2003 йилдаги ишлари, Ўзбекистон ХДП экологик дастурининг бажарилиши, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг ижросини таъминлашдаги вазифалар каби қатор масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг биринчи котиби Атаулла Асанов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши VII пленумида белгиланган вазифалар, Марказий Кенгашнинг V пленуми қарорларининг бажарилиши, партиянинг депутатлик фракцияси ва гуруҳларининг, сайлов округларидаги партия гуруҳларининг фаолияти чуқур таҳлил қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Нукус шаҳар партия кенгаши аппарати Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аппарати билан бирлаштирилди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Садембай Нурманов Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

«Қорақалпақстан хаўазы» газетасининг бош муҳаррири Алписбой Ибадуллаев Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича котиби қилиб сайланди.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Ғ.Ражабов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Матжонова қатнашди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Биз билган ва билмаган тарих

# БИР МАДРАСА ТИЛСИМИ

## ЁХУД ТОШКЕНТДАГИ АБУЛҚОСИМ МАДРАСАСИНИНГ ТАРИХИ ВА КЕЧМИШИ ҲАҚИДА

Мадрасалар дунёвий ва диний билимлардан сабоқ берувчи илм даргоҳи бўлиб, ўтмишда маърифатли аждодларимиз томонидан бунёд этилган. Улар нафақат илм маскани, балки машҳур олиму машойихлар, толиби илмлар кўзлаган қутб, меъморчиликда ҳукмдорларнинг шаҳарсозлик сиёсатини намоён этувчи ўзига хос мақом, мезон ҳам бўлган.

Сир эмаски, тарихимизнинг темурийлар даври илм-фан ривож топган, жумладан, мадрасалар қуриш авжига чиққан палласи ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро, Тошкент мадрасалари пиру машойихлар, уламолар назарига тушган. Ўз вақтида Умар Ҳайёмнинг Самарқанд ва Бухорога келиб илми нужумнинг равнақига ҳисса қўшгани, ҳазрат Навоийнинг Самарқанд мадрасаларида таҳсил олгани, устозлари Абдураҳмон Жомийнинг Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мадрасасида истиқомат қилиб, таълим ва ибодат этганлари уларнинг ўтмишда ниҳоятда катта нуфузга эга бўлганидан далолат беради.

Манбаларга қараганда, бир вақтлар Тошкентда 20 дан зиёд мадраса бўлган. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган, баъзилари тўғрисида маълумотга ҳам эга эмасмиз.

Мустақилликка эришгач, анъана ва қадриятларимиз қатори мадрасаю масжидларнинг асл қиёфаси-ю мақоми тикланди, улар обод қилинмоқда. Бугунги кунда республикамизда 1 та университет, 1 та институт, 10 мадраса бошланғич, ўрта, ўрта махсус ва олий исломий таълимот бериш билан шуғулланади. Бу эса мамлакатимизда маънавий-маърифий жабҳага бўлган эътибор, тарихга бўлган ҳурматнинг юқори эканлигидан далолат беради.

Истиқлол йилларида тарихий обидалар таъмирланиб, улар атрофида кўркам биноларнинг қад ростлаётгани юртимиз қиёфасига ўзгача чирой бахш этмоқда. Ана шундай манзаралардан бирини Бешёғоч даҳасида, Халқлар дўстлиги майдонининг шундоқ биқинида кўрамиз, бу ерда замонавий бинолар ўртасида икки қаватли, пишиқ ғиштли гўзал меъморий бино кўзга ташланади, бу — Абулқосим мадрасаси.

Биз мадраса билан танишар эканмиз, унинг тарихига оид тафсилотлар билан қизиқдик, ажойиб таассуротлар олдик. Мадраса ҳовлиси доира шаклда, тўрт томонида ҳужралар жойлашган. Мадрасанинг иккинчи қаватидаги ҳужралар ҳам тарихнинг кўп синоатларидан сўзлайди. Биринчи қаватга тушиб, меҳроб равоқидаги чиройли настаълиқ хатида битилган шеърни ўқиймиз.

**«Ин чи муборак биност,**
**арш барин жабҳасост,**
**Чунки бувад манзили**
**мўйи латифи Расул.**
**3-он зи сари фахр гуфт,**
**Мир ба тарихи ў:**
**Яфъа(и) Олияи мўйи**
**шарифи Расул.»**

Шеърнинг биринчи байтида «Жаннат каби табаррук, саждa қилишга лойиқ, чунки бу ерда Пайғамбаримизнинг латиф, табаррук сочлари бор», дейилади. Шунингдек, унда ушбу жойни «арш барин», яъни осмоний жаннатга ўхшатиб, бу ер саждага сазоворлиги, сабаби унда Пайғамбаримизнинг муборак сочлари борлиги таъкидланади.

Ушбу шеърий қитъанинг учинчи ва тўртинчи мисраларидаги ҳикмат яна сирли. Учинчи мисрада муаллиф — Мир ифтихор билан «таърих» битганидан хабар беради. «Таърих» санъати («моддаи таърих») шеъриятдаги машҳур анъана — «абжад» ҳисоби билан араб ҳарфларни рақамларга айлантириш усули. Тўртинчи мисрада ана шундай «сир» — «таърих» тилсимланган.

Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида табаррук «Хирқайи муборак» зиёратгоҳи бор. У қадимдан мусулмон оламида муқаддас жой бўлиб келган. Жумладан, бу ерда ҳазрат Пайғамбаримизнинг табаррук хирқа(чопон)ларини, ул зоти шариф оламдан ўтгач, тахминан бир асрдан кейин кўп машаққатлар билан олиб келинганлиги ҳақида ривоятлар бор.

Абулқосим мадрасаси «Хонақойи мўйи муборак»да қурилганлиги тарихдан маълум бўлса-да, унга тегишли айрим жиҳатлар ҳанузгача ноаён бўлиб келиши кишини ўйлантиради. Маданий алоқаларнинг кенгайиши, мусулмон оламида машҳур буюк аждодларимиз хотирасининг тикланиши, улар меросига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгарганини ҳисобга олсак, ўйлаймизки «Хонақойи мўйи муборак» ҳам ўз мақом ва моҳиятига эга бўлади...

Мадраса раиси Абдулазиз Муҳаммадкаримов юқорида келтирилган шеърий мисранинг муаллифи ҳақида маълумотлар етарли бўлмаса-да, лекин «Хонақойи мўйи муборак»нинг тарихи борасида муайян изланишлар бўлаётганини маълум қилди. «Бу тўғрида ёзганмиз», деб уч тилда битилган «Гўзаллик маскани» номли китобни кўрсатдилар. Бу рисолада мадрасанинг ўтмишдаги ҳолати, бугунги ҳаёти, хусусан унда фаолият кўрсатаётган 50 га яқин моҳир усталар тўғрисида мухтасар маълумотлар, санъат асарлари суратлари келтирилган.

Китобда мадраса тарихига оид баъзи бир тарихий воқеалар, таҳсил олган шахслар ҳақида ҳам бироз мулоҳаза юритилган экан, «Хонақойи мўйи муборак» меҳробида битилган бояги тўрт мисра шеър ҳақида қуйидагилар ёзилган: «...Равоқли меҳроб (саждагоҳ) тепасига ишланган китобасида эса араб тилида «Бу арк каби бинода Расулнинг латиф мўйи бор».

Шеърдаги «арш барин» бу китобда «арк каби» деб таржима этилиши, русча матндаги «молебня» (меҳроб, саждагоҳ) ўзбекчада «масжид» тарзида келтирилганлигини кўриб, шеърнинг мазмун-моҳияти, ундаги «таърих» синоати, абжад ҳисоби тўғрисида савол бермадим. Сабаби, форс тилида битилган қитъани «араб тилида ёзилган» дейиш мени ҳайратлантирди.

Шу ўринда «Мир» тахаллусли муаллиф ким бўлган? «Таърих» замирида қайси йил тилсимланган? Хонақо қачон қурилган? деган саволлар туғилиши табиий.

Юқоридаги шеър 2002 йили кўчирилган экан. Араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф абжад ҳисобида муайян бир рақамга тенг, мабодо бирорта нуқта тушириб қолдирилса, катта фарқ юзага келади. Эътиборимиздаги шеърий қитъанинг тўртинчи мисрасида «яфъа» сўзи «таърих» бўлса, нуқтанинг аҳамияти ўз-ўзидан кўриниб турибди. Қаранг: «яъфа» сўзини «таърих моддаси» деб таҳлил қилсак, унда абжад ҳисоби билан «йо» (я,и) — 10, «ф» — 80, «айн» — 70, охирги «а» (х) 5 га тенг. Бунинг йиғиндиси 165 бўлади. Уни милодийга айлантирсак, тахминан 747 йил келиб чиқади. Пайғамбаримизни 632 йили вафот этганларини назарда тутиб ҳамда Қандаҳордаги «Хирқайи муборак» муқаддас мозор тарихини эътиборга олсак, кўз олдимизга «Хонақойи мўйи муборак»нинг қадимий ва ниҳоятда табаррук жой эканлиги ойдинлашади. Абулқосим эшоннинг шарофатлари туфайли ушбу мадраса бунёд этилган, «Хонақой мўйи муборак» бизгача етиб келган.

Хўш, Абулқосим эшоннинг ўзи ким бўлган? Тарихий манбаларда Абулқосим эшоннинг халқ учун ғоят эътиборли бўлгани, оғир паллаларда унинг содиқ ҳимоячиси сифатида уларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутгани ҳақида далиллар бор. Тарихчи, шарқшунос олим В.П.Наливкин «Қўқон хонлиги тарихи» номли асарида Абулқосим эшонни донишманд, зукко, зиёли шахс сифатида зикр этган. Уни, ҳатто Туркистон генерал-губернатори олдида ҳам мавқега эга бўлганлиги қайд қилинган.

1850 йили Абулқосим эшон мазкур мадрасани «Хонақойи мўйи муборак»ка қўшиб қурдиргани унинг узоқни кўзлаган, ислом тарихини чуқур билган юксак эътиқодли шахс эканлигини яққол исботлайди.

Истиқлол туфайли тарихимиз тикланди. Эндиликда халқимизнинг чор мустамлакачиларига қарши курашлари тарихи барча тафсилотлари билан ойдинлашмоқда. Туркистоннинг ўз ихтиёри билан Россияга қўшилмагани, Тошкентни забт этиш учун қаттиқ жанглар бўлиб ўтгани, озодлик йўлида қанча-қанча қонлар тўкилгани барчамизга яхши маълум.

Айниқса, М.Черняевдек қаттол генерал бошлиқ рус қўшинлари Тошкент устига бир неча бор юриш қилиб, халқ бошига зулм тиғини тортганида, душманга қарши олдинги сафларда туриб фидокорона жанг қилганлар орасида элнинг энг содиқ фуқаролари бор эди.

Ўратепа шаҳридан Тошкентга етиб келиб, ёвни қайтариш учун кўкрагини қалқон қилган Искандарбек бошчилигидаги Бухоро лашкари жасоратлари Черняевни янада ларзага солган. Искандарбек шаҳар мудофааси масъулиятини ўз зиммасига олиб, Бухородан қўшимча ёрдам чорлайди. Душман эса Тошкентнинг Камолон ва Қўқон дарвозаларини артиллерия тўпларидан ўққа тутади. Аммо халқ мардона қаршилик кўрсатишда давом этади, таслим бўлишни истамайди.

Ниҳоят босқинчиларнинг қўли баланд келиб шаҳар ишғол қилингач, сулҳ тузилади. Аммо, босқинчиларни бу қониқтирмайди. Улар бошқача йўл тутади, яъни «битим» тайёрлаб, шаҳар оқсоқолларидан унга имзо қўйишни талаб қиладилар. Бу «битим»да Тошкентнинг таслим бўлганлиги, унинг 12 дарвозаси калитларини топшириш талаб этилганди. Шунда мустамлакачилар бошлиғи генерал Черняев ва унинг қуролли аскарлари қаршисида Тошкентнинг бир гуруҳ арбоблари, улар сафида Солиҳбек додхоҳ, Ҳакимхўжа қозикалон ва Абулқосим эшонлар турган.

Абулқосим эшон ўз замонасининг ватанпарвар, пешқадам зиёлиси эканлиги ушбу мадраса орқали бугун ҳам намоён. Буни биз 1914-17 йиллари ушбу мадрасада таҳсил олган Абдулла Қодирий, жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бўлган Абдурауф Фитрат, ўзбек миллий университетининг асосчиларидан бири Мунаввар Қори Абдурашидхонов, драматург Ғулом Зафарий, Ўрта Осиё республикалари диний арбоби Зиёвуддин Қори Бобохонов каби машҳур шахслар тимсолида яна бир бор кўрамиз.

Абулқосим мадрасаси тарихнинг кўплаб воқеалари гувоҳи. Бу обиданинг ўзи бир тарих. Унинг замирига яширинган кўплаб сир-синоатлар ўтмишнинг бизга номаълум айрим жумбоқлари билан боғлиқдек. Буларни ечиш учун донишманд тарихчиларимиз шуғуллансалар ажаб-мас.

Абулқосим мадрасасининг яна бир хосияти — унинг муҳандислик жиҳатидан мукаммал ечимга эга эканлигидир. Бино ҳароратининг мўътадиллиги, ҳаво-шамолнинг меъёрда бўлиши ҳам ўзига хос хусусиятга эгалигини кўрсатади. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кузатиш мумкин: 1929 йил очарчилик кезларида Самарадан кўчириб келтирилган 70 оила ушбу мадрасанинг ҳужраларида жон сақлаб, то 1974 йили янги уй-жойга кўчиб ўтгунча уларнинг ҳеч бири ўз ҳужраларини қишда совуқ, ёзда иссиқ дейишмаган.

Иккинчи мисол, Ўзбекистонда Марказий Осиё ўйинлари очилиши маросими учун Афинадан келтирилган машъални бир кеча Тошкентда сақлашга тўғри келганда мутахассис ва мутасаддилар бош қотириб, ниҳоят уни сақлаш учун Абулқосим мадрасаси энг муносиб жой деб топилган.

— Бу тасодифий хулоса эмас, ўшанда мадрасанинг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган, — деган эди ўша вақтда «Спорт» газетасининг бош муҳаррири.

Албатта, бу гапларда жон бор. Бугунги кунда ушбу мадраса хорижий сайёҳларнинг севимли жойига айланган. Сабаби, бу ерда машҳур ҳунарманд-усталар жамулжам. Бу даргоҳда қадимги уста-шогирд анъанаси тикланиб, камол топмоқда. «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими тасарруфидаги бу халқ маданий анъаналари ўчоғида нафис ва бежирим миллий ҳунармандлик буюмлари тайёрланади.

1994 йил БМТ, ЮНЕСКО халқаро кўргазмаларида иштирок этиб, махсус гувоҳнома олган уч уста, 1997 йил миниатюра соҳасида Камолиддин Беҳзод мукофоти, «Ташаббус-1995», «Ташаббус-1998», «Ташаббус-2002» кўрик-танловлари ғолиблари айнан шу маскандан йўлланма олган. 40 дан ортиқ санъат турлари, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган 150 дан ортиқ моҳир усталар ўзбек халқининг бекиёс санъатини дунё бўйлаб намойиш этмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари Тоҳир Болтаев, Акмал Азларов, Мирзафар Болтабоев каби ўнлаб моҳир усталар яратаётган мўъжизалардан фахрланса арзийди. Булар мустақиллигимиз мевалари, халқимизнинг ифтихори.

Ўйлаймизки, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг фаол, санъатсевар жамоаси ушбу тарихий жойнинг нуфузини оширишда ўз меҳнатларини аямайдилар. Юқорида номлари зикр этилган халқимиз қаҳрамонларининг мадраса билан боғлиқ кечмишларини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари ва паннолар яратилса ғоят хайрли иш бўлур эди.

**Маъруф ОТАХОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**



## ДЕПАРТАМЕНТ ИШ БОШЛАДИ

Авваллари Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва унинг санитар ҳолатини яхшилаш масаласи бўйича кўрилган барча чора-тадбирларга қарамай соҳада ижобий ўзгариш қийин кечаётган эди. Сабаби — соҳада меҳнат қилаётганларнинг ойлик маоши паст, зарур меҳнат қуроллари етишмас ва машина, техниканинг аксарияти яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Ҳатто ишчи-хизматчиларни махсус кийим-кечак билан таъминлашда ҳам узилишлар бўлиб турарди.

Шаҳар ҳокимлиги қарори билан ободонлаштириш бошқармаси департаментга айлантирилди ва унинг фаолияти тубдан янгиланди. Ишга қабул танлов асосида амалга ошириладиган бўлди.

Шунингдек, йилнинг тўрт фаслига мос махсус кийим ҳамда зарурий асбоб-ускуна ва техника билан таъминлаш масаласи ҳал қилинди.

Айни кезда Самарқанд шаҳар ободонлаштириш департаменти тизимидаги ташкилотларда кўчат етиштиришнинг ўн йиллик заҳирасини яратиш ишлари амалга оширилаяпти.

Экилган гул ҳамда дарахт кўчатларини суғориш масалаларига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Мавжуд ариқларни тозалаш, таъмирлаш, қайта тиклаш ва артезиан қудуқларидан унумли фойдаланиш масаласи ҳал этилмоқда.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ҚАҲРАМОННИНГ ҲИММАТИ

Азал-азалдан бизга мерос бўлиб келаётган бағрикенглик, меҳр-оқибат, самимият каби анъаналаримизга бошқа халқлар ҳавас кўзи билан қарашади. Қадим-қадимдан мурувватли инсонлар эл ичида қадрланган, эъзоз топган. Шундайлардан бири Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош врачи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати, тиббиёт фанлари номзоди Абдураҳмон Муҳаммадиевдир. Абдураҳмон ака яқинда Узун тумани Файзобод маҳалласида яшовчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларда яшовчи 51 нафар боланинг суннат тўйини ўтказди.

— Шу юртда туғилиб ўсдим, эл орасида вояга етдим. Нимага эришган бўлсам ҳаммасига халқимиз туфайли эришдим, — дейди Абдураҳмон Муҳаммадиев. Бугунги қилаётган ишларим халқимнинг менга берган меҳру мурувввати олдида дарёдан бир томчи холос.

Ҳа, юртнинг оғир-енгил кунларида елка тутадиган мард, танти, олижаноб инсонлар кўпаяверсин, деймиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## XORIJDA

### НАТОНИНГ ЭШИКЛАРИ ОЧИҚ

АҚШ Президенти Жорж Буш етти давлатни НАТОга аъзо бўлиб киргани билан қизғин қутлади. Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди. «Бугунги кунда бизнинг алянсимиз янги душманга рўбарў бўлмоқда. Яъни НАТОнинг асосий вазифаси терроризмга қарши курашдан иборатдир» деди у.

НАТО нафақат унга аъзо давлатлар билан, балки аъзо бўлмаган давлатлар билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатишда давом этишини алоҳида таъкидлади.

Етти давлат — Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Руминия, Словения ва Словакиянинг НАТОга аъзо бўлиб кириш тантаналарида шу давлатларнинг бош вазирлари, ташқи ишлар ҳамда мудофаа вазирлари, АҚШ ҳукуматининг барча вакиллари ва НАТОнинг бош котиби Яап де Хооп Схеффер қатнашди.

Дарвоқе, алянсга аъзо бўлишга ҳаракат қилаётган Албания, Македония ва Хорватия вакиллари ҳам маросимда иштирок этдилар.

Яна бир гап. НАТОнинг F-16 қирувчи самолётлари шу ҳафтадан эътиборан Болтиқбўйи (Эстония, Латвия ва Литва) осмонида патруллик хизматини бошлайди. Бу ҳақда НАТОнинг Латвиядаги ваколатхонаси берган манбаларга таяниб, мамлакат қуролли кучлари қўмондони, контр-адмирал Гайдис Андрейс Зейботс маълум қилди.

### ЛАВОЗИМИДАН БЎШАТИЛДИ

БМТ бош котиби Кофи Аннан ташкилотнинг хавфсизлик хизмати бошлиғини лавозимидан бўшатди. Бағдоддаги террорчилик акти юзасидан олиб борилган мустақил тергов-суриштирув хулосаларидан сўнг шундай қарорга келинди, дейилади Россия телевидениесининг 1-канали ахборотида.

Ўшанда, яъни ўтган йил августда БМТнинг Бағдоддаги штаб-квартирасида содир этилган террор оқибатида 22 киши ҳаётдан кўз юмган эди. Тергов-суриштирув ишларини олиб борган махсус комиссия вакилларининг фикрича, ўшанда мазкур фожианинг олдини олиш мумкин бўлган экан. Хавфсизлик хизмати раҳбари эса жиддий хатоликларга йўл қўйган, яъни терактга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги хабарларга эътибор бермаган, шунингдек, бинони қўриқлашни кучайтирмаган.



Монреалнинг осмонўпар биноларидан бири

### «ПАРРАНДА ГРИППИ» ТАРҚАЛИШИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Вьетнам маъмурияти мамлакатда кенг тарқалган «парранда гриппи» устидан ғалаба қозонилганлигини маълум қилди, дея хабар беради Kyodo агентлиги.

Қишлоқ хўжалиги вазири, касалликка қарши кураш давлат штаби бошлиғи Ле Куи Ногонинг таъкидлашича, кейинги 32 кун давомида касалликка чалиниш ҳодисаси қайд этилмаган. Ҳозир Вьетнамнинг мавжуд 57 музофотида касаллик устидан тўлиқ назорат ўрнатилган. Парранда савдоси ва уни ташиш борасида жорий этилган чекловлар мазкур ойдан бошлаб бекор қилинади. Фақат бу ишларда назорат янада кучайтирилади.

Маълумотларга қараганда, 38 миллион парранда айнан шу касаллик туфайли нобуд бўлди ва йўқ қилинди. Бу эса мамлакат паррандачилигининг 15 фоизини ташкил этади. Кўрилган зарар уч триллион донг (200 миллион доллар атрофида)дан ортиб кетди.

Эпидемиянинг тугатилиши энди Вьетнамда «парранда гриппи» умуман йўқ ёки бошқатдан пайдо бўлмайди, дегани эмас, — дея жамоатчиликни огоҳлантирди Гигиена-эпидемия институти раҳбари, профессор Хоанг Тхюи Ланг. — Энди бу касаллик аломатларига бепарво бўлмаслик лозим.

Таиланд қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳам мамлакатда мазкур касаллик эпидемияси устидан ғалабага эришилганлигини маълум қилди. Парранда гўшти ишлаб чиқариш шу йил майдан бошланишини алоҳида таъкидлади. Мана 21 кундирки, Таиландда «парранда гриппи»нинг янги хуружи қайд этилмаяпти.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
МБМ

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

2004 йил 2,6,9,13,16,20,23,27,30 апрель кунлари соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳрининг қуйидаги туманларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкаларига эгалик қилиш хуқуқи қўйилади:

— Шайхонтоҳур тумани, «Жарариқ» мавзеси, Г-16,0м кўчасида жойлашган майдони 0,03 га., бошланғич нархи 1 272 600 сўм;

— М.Улуғбек тумани, Ҳусанбоев кўчасида жойлашган майдони 0,035 га., бошланғич нархи 1 283 800 сўм.

— Юнусобод тумани, А.Дониш кўчасида жойлашган майдони 0,015 гектардан иборат 2 та, ҳар бирининг бошланғич нархи 575 400 сўм;

— М.Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчасида жойлашган майдони 0,02 га., бошланғич нархи 616 000 сўм;

— Сирғали тумани, Лойиҳадаги Г-64,0м. ва Г-38,0м. кўчаларида жойлашган майдони 0,04 гектардан иборат 10 та, ҳар бирининг бошланғич нархи 512 000 сўм.

Ер участкалари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар ер участкаси бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Моваруннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

Лицензия № 000005, ҳисоб серияси DB 001.

**2 апрель — Халқаро болалар китоб куни**

# АЖОЙИБ СОВҒАЛАР

**Халқаро болалар китоб куни барча мамлакатларда кенг нишонланади. Чунки бу кунда ер юзи болаларининг севимли ёзувчиси Ганс Андерсен дунёга келган. «Чўлпон» нашриёти директори Маҳмуд ТЎЙЧИЕВдан болалар китоблари нашри хусусида маълумот беришини сўрадик.**

— Дарҳақиқат, Андерсеннинг эртаклари кириб бормаган хонадон йўқ, десак хато бўлмайди. Ёзувчининг сир-синоатга, учқур хаёлотга бой, болаларни яхшиликка чорлайдиган эртаклари доимо мароқ билан ўқилади. Шунинг учун нашриётимиз томонидан адибнинг эртак китобларини нашр этишга катта аҳамият берилмоқда. Ганс Андерсен туғилган кунда унинг «Чақмоқтош» номли эртаклар тўпламини чоп этиш билан кутиб олишни режалаштирган эдик. Совғамиз шу йилнинг иккинчи чорагида болажонларимиз қўлига тўлиқ етиб боради. Айни кунларда эса азиз кичкинтойларимиз учун бошқа бир ажойиб совғамиз тайёр. Инглиз ёзувчиси Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» китоби 10000 нусхада чоп этилди.

Маълумки, Ж.Свифтнинг мазкур асари ҳам жаҳон болалар адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланади.

— Нашриётимиз 2003 йил давомида қирқ номда турли адабиётлар чоп этди. Бу йилги режамизда саксондан ортиқ бадиий китоблар нашр этиш мўлжалланган. Яқин кунларда эса, яна бир ажойиб совғамиз — «Олтин бешик» номли ўзбек эртаклари чоп этилади. Шунингдек, Р.Субхоннинг «Алпомиш», А.Мадраҳимовнинг «Миср эҳромлари», В.Антошкиннинг «Бой Орлов», О.Абдуллаевнинг «Она Ватан фидойилари» каби китобларни чоп этиш арафасида турибмиз.

**Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА ёзиб олди**

**Тақдимот**

# ЯНГИ МОНОГРАФИЯ

Абдулла Қодирий энг буюк эҳтиромга лойиқ инсон, истеъдодли романнавис, моҳир драматург, ўтли ҳажвчи ва таржимон, қолаверса, миллий маданиятимиз фидойиси сифатида XX аср маънавий-маърифий ривожида ўчмас из қолдирган зиёлиларимиздан бири. Шунинг учун ҳам уни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмайди. Адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган ўндан зиёд рисола, китоб ҳамда диссертациялар ёзилган ва ёзилмоқда. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди бўйича самарали илмий изланишлар олиб бораётган олимлардан бири филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Тошкент маданият институти профессори Собир Мирвалиевдир. Тадқиқотлар натижаси сифатида яқинда олимнинг «Абдулла Қодирий» номли монографияси «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи сериясида «Фан» нашриёти томонидан нашр этилди. Шу муносабат билан республика Миллий матбуот марказида китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда йирик адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Профессор Собир Мирвалиевнинг ушбу монографияси адиб ҳаёти ва ижодини мустақиллик даври талаблари асосида тадқиқ этган биринчи илмий асардир. Китоб муқаддимадан ташқари қуйидаги асосий боблардан иборат: шажара, таваллуд, тахаллус; адиб шеърияти; драматург сифатида; моҳир ҳикоянавис; биринчи ўзбек романининг туғилиши; қатағон фожиалари кабилардир.

Яратилган монография Абдулла Қодирий ижодига бугунги кун воқелиги нуқтаи назаридан ёндашилганлиги билан аҳамиятлидир. Китобда адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятининг ҳали кўпчиликка номаълум бўлган ёки кам ўрганилган саҳифалари ҳақида фикр юритилади. Энг муҳими, адиб ижоди истиқлол ғояси ва мафкураси талаблари даражасида янгидан баҳоланди.

Бир сўз билан айтганда, китоб Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигига муносиб совға бўлди.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Спорт**

## ХИТОЙ ТАЙПЕЙИ — ЎЗБЕКИСТОН — 0:1

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатига саралаш босқичининг навбатдаги учрашувини ўтказди.

Эсингизда бўлса, шу йил 18 февраль куни Тошкентда Ироқ терма жамоаси билан бўлиб ўтган дастлабки ўйинда футболчиларимиз зўрға (1:1) дуранг натижага эришганди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Футбол федерацияси масалага жиддий ёндошиб, терма жамоа мураббийлар штабида ўзгариш қилди. Ўзбекистон — Ироқ терма жамоалари учрашувига қадар бош мураббий Равшан Ҳайдаровга маслаҳатчи сифатида иш олиб борган Тачмурод Агамуродов ўрнига германиялик мутахассис Хайнц-Юрген Гёде тайинланди. Бундан кейин терма жамоа мураббийлари Равшан Ҳайдаров ҳамда Гёделар ҳамкорликда ишлайдиган бўлишди.

27 март куни Ўзбекистон терма жамоаси Хитой Тайпейи футболчилари билан ўтадиган учрашувга қуйидаги таркибда жўнаб кетганди: И.Нестеров, Г.Забиров, А.Солиев, С.Жепаров, Т.Кападзе, Л.Кошелев, А.Николаев, З.Тожиев, М.Бикмаев, Э.Магдиев, А.Алиқулов, Б.Ашурматов, Р.Байрамов, Б.Қораев, Ш.Раимқулов, А.Гейнрих, А.Фёдоров, В.Шишелов. Кўриб турганингиздек, мураббийларимиз жамоага асосан мамлакат ички чемпионатида тўп сураётган футболчиларни жалб этишган. Шунга қарамай, ҳамюртларимиз чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этишди — 1:0. Вакилларимизга ғалаба келтирган ягона тўпни Александр Гейнрих киритди.

Футболчиларимиз навбатдаги ўйинни 9 июнда Фаластин терма жамоасига қарши ўтказади.

## АБДУЛЛАНИНГ БРОНЗАСИ

Минск (Белорусия)да дзюдо бўйича Афина олимпиадасига йўлланма берувчи «А» тоифасидаги йирик халқаро турнирга якун ясалди. Дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатлари спортчилари ўртасида ўтган мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Москва ҳамда Парижда бўлган халқаро мусобақаларда зафар қучиб, Афинага йўлланма олган иқтидорли полвон Абдулла Тангриев (+100 кг.) бу сафар ҳам ўз имкониятларини яна бир бор синовдан ўтказди. Ярим финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратган ҳамюртимиз мезбонлар вакилига ютқазиб, бронза медали билан тақдирланди.



Турнирда ўз вазн тоифасида бешинчи ўринни эгаллаган яна бир вакилимиз Вячеслав Перетейко (90 кг.) эса олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Шундай қилиб, дзюдочиларимиз ҳисобидаги олимпиада йўлланмалари сони учтага етди.

**Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

**Суратда:** бронза медали совриндори Абдулла Тангриев

**Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.**


## ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2004 йилнинг 2,6,9,13,16,20,23,27,30 апрель ва 4,7,11,14,18,21,25,28 май кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйилади.

Юнусобод тумани:

— Соҳибкор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, бошланғич нархи — 2 256 000 сўмдан; Орифов кўчасида, майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 461 600 сўм.

— «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 2 080 000 сўм; 2-мавзеда майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 560 000 сўм, майдони 0,025 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 300 000 сўм;

— Минг Ўрик 1-тор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, бошланғич нархи — 3 698 400 сўмдан;

— Ғ.Абдуллаев 2-тор кўчасида, ҳар бирининг майдони — 0,04 га. бўлган учта ер участкаси, бошланғич нархи — 4 688 000 сўмдан;

— А.Дониш кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,015 га. бўлган иккита ер участкаси, бошланғич нархи — 1 233 000 сўмдан, майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 644 000 сўм.

Шайхонтоҳур тумани:

— Қозиробод 2-тор кўчасида жойлашган, майдони 0,017 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 952 000 сўм;

— «Қоратош» мавзеси, 1-уй ёнида жойлашган, майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 4 544 000 сўм.

— Каттабоғ 7-тор кўчасида жойлашган, майдони 0,012 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 082 400 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани:

— Ш.Бурҳонов кўчасида жойлашган, майдони 337,6 кв. метр бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 830 496 сўм; майдони 336,9 кв. метр бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 828 774 сўм; майдони 320,8 кв. метр бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 789 168 сўм.

— Ҳусанбоев кўчасида жойлашган, майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 2 096 000 сўм; майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 1 048 000 сўм.

Собир Раҳимов тумани:

Генерал Ғофуров кўчаси ва Тошкент халқа йўли бурчагида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган олтита ер участкаси, бошланғич нархи — 1 856 000 сўмдан;

Яккасарой тумани, Шамс Кулол 2-тор кўчасида, майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 2 224 000 сўм.

Сирғали тумани, Сирғали ва Қўрғонтепа кўчалари бурчагида жойлашган, майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, бошланғич нархи — 320 000 сўм.

2004 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 май ва 1,4,8,15,18,22,25,29 июнь кунлари юқоридагиларга қўшимча тарзда аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош савдо бошқармаси автомобиль базасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

— давлат рақами 33-58 ТШ, «МАЗ-504В» русумли, бошланғич нархи — 650 000 сўм;

— давлат рақами 34-33 ТШ, «ХТР 977250» русумли яримтиркама, бошланғич нархи — 250 000 сўм;

— давлат рақами 34-36 ТШ, «ХТП 9385» русумли яримтиркама, бошланғич нархи — 250 000 сўм;

— давлат рақами 33-82 ТШ, «ЗИЛ-130» русумли, бошланғич нархи — 350 000 сўм;

— давлат рақами 33-65 ТШ, «РАФ-2203» русумли, бошланғич нархи — 400 000 сўм;

— давлат рақами 33-08 ТШ, «КамАЗ-5320» русумли, бошланғич нархи — 1 100 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.


**Ҳикматли сўзлар маъноси**

### ОДАМ ПЎЛАТДАН ҚАТТИҚ, ГУЛДАН НОЗИК

«Одам тошдан қаттиқ, гулдан нозик» (Бунда «тошдан қаттиқ» деганда одамнинг иродаси, куч-қудрати, сабр-чидами; «гулдан нозик» деганда эса, одамнинг кўнгли, дили назарда тутилган ва «Одам ҳар қанча гавдали, кучли, бақувват бўлса ҳам, кўнгли ниҳоятда нозик бўлади. Шунинг учун унинг кўнглини ола билишга, дилини оғритмасликка ҳаракат қил», демоқчи бўладилар); «Тош қаттиқми, бош қаттиқми?»; «Тошми қаттиқ, бошми қаттиқ?»; «Тош қаттиқ, тошдан ҳам бош қаттиқ»; «Одамнинг боши — сойнинг тоши»; «Одамнинг боши ҳар куюкка кўнади» (куюк — дарди, ғам, алам, азоб-уқубат, доғ, айрилиқ, жудолик ва ҳ.к.); «Одам бошига тушганни тоғ ҳам кўтаролмайди»; «Одам меҳнатин қилса, пўлат ҳам ейилиб кетади».

### ОДОБИНГ — ОБРЎЙИНГ

«Одоб — олтиндан қиммат»; «Одоб — кишининг зеб-зийнати»; «Одобли киши — зийнатли, зийнатли киши — иззатли»; «Ақл — ёшдан, одоб — бошдан»; «Бола азиз, одоби ундан азиз»; «Одоб бозорда сотилмас» («Тап-тайёр одобни бозордан пулга сотиб олиб бўлмайди. Одобга ёшликданоқ ўрганиб, кўникиб уни улғайган сари камол топтириб бориш керак», дейилмоқчи)


Мирobod туман ҳокимияти томонидан «MANNA EDEN» масъулияти чекланган жамиятига берилган ҲШ №009171 рақамли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси Угам-Чотқол давлат табиат миллий боғи бошқармаси бош директори, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, партия фаоли Абдукарим Абдужамиловга онаси **ТОЖИХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулоқот» журнали жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси атоқли олим, академик, фалсафа фанлари доктори, профессор **Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Мулоқот» журнали жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг ректори Азиз Тўраевга акаси **Нўъмон ТЎРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ғ.А.Мавлонов номидаги Сейсмология институтининг жамоаси директор муовини Б.С.Убайдуллаевга онаси **ШАРОФАТХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




Ҳурматли юртдошлар!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

# «ПАХТА БАНК»

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Сизларга

**«САХОВАТ»**

муддатли омонат турини таклиф этади. Мазкур омонатга бўш пул маблағингизни «Пахта банк»нинг исталган филиалига қўйишингиз ва ҳар ойда йиллик 38 фоиз миқдорида даромад олишингиз мумкин!

**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**







**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 564
10669 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA